O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi
Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti

O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi
Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti

«SHARQSHUNOSLIK SOHALARINI TADQIQ ETISHNING DOLZARB MASALALARI» MAVZUSIDA YOSH SHARQSHUNOSLARNING AKADEMIK UBAYDULLA KARIMOV NOMIDAGI XIX RESPUBLIKA ILMIY–AMALIY KONFERENSIYASI

TO‘PLAMI

«FAN»
Toshkent – 2024

UO‘K 314.151(575)(08)
KBK 607(543)
Y 83

«Sharqshunoslik sohalarini tadqiq etishning dolzarb masalalari» mavzusida Yosh sharqshunoslarning akademik Ubaydulla Karimov nomidagi XIX respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi to‘plami. – Toshkent: «Fan» nashriyoti, 2024. – 286 b.

Taqrizchilar:
O‘ktambek Sultonov – tarix fanlari doktori, professor.
Sherali Qo‘ldoshev **–** tarix fanlari nomzodi, dotsent.

Tahrir guruhi:
Laziz To‘rayev – tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), Akbar Idiyev, Maftuna Mirzayeva, Sherzod Karimov, Dostonjon Tojiyev, Farrux Kamoliddinov.

Ushbu to‘plamda qadimgi davrdan bugungi kungacha bo‘lgan sharqshunoslik sohasidagi dolzarb masalalar, tarix fani oldida turgan muammolar va ularning yechimlari, tarixshunoslikka oid tadqiqotlar, til, adabiyot hamda manbashunoslik masalalari, Sharq rennesansi davri allomalari ilmiy merosining o‘rganilishi, qadimiy yozma manbalarning muomalaga kiritilishi kabi masalalarga qaratilgan tadqiqotlar o‘rin olgan. To‘plam sharqshunoslar, tarixchilar, adabiyotshunoslar, tadqiqotchilar va keng kitobxonlar ommasi uchun mo‘ljallangan. To‘plam tarkibidan o‘rin olgan maqolalar mualliflarning ilmiy tadqiqot natijalari va shaxsiy ilmiy qarashlarini o‘zida aks ettiradi.

O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti Ilmiy kengashining 2024-yil 3-maydagi 5-sonli majlisi qarori asosida nashrga tavsiya etilgan.

© Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti.
© Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti.
© «Fan» nashriyoti, 2024.

ISBN 978-9910-9030-5-2

ШАЙБОНИЙЛАР ДАВРИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРИДА ЭТНИК БИРЛИКЛАРНИНГ АРАЛАШУВИГА ДОИР

Идиев Акбар Аваз ўғли
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти
кичик илмий ходими
ORCID: 0009-0009-8153-1228

THE INTERFERENCE OF ETHNIC UNITS IN THE POLITICAL PROCESSES OF THE SHAYBANIYAR PERIOD

Idiyev Akbar
Al-Biruni Institute of Oriental Studies,
Uzbekistan Academy Sciences,
Junior Researcher
ORCID: 0009-0009-8153-1228

Abstract. *Towards the end of the 15th century, on the eve of the fall of the Timurid Empire, various ethnic groups from Dashti Kipchak, under the leadership of Muhammad Shaibani Khan, united under the name of Uzbeks and entered the territories of Movarunnahr and Turkestan, and the process of their transition to a sedentary lifestyle created new political processes in the region.*

A large number of different ethnic groups entered the Khanate of Bukhara, which was formed as a result of military campaigns at the initial stage of the political history of the Shaybani dynasty. Although they are mostly mentioned in the literature under the common name of Uzbek tribes, they unite ethnic groups from different districts. In the next stages, the changes in the boundaries of the khanate affected the ethnic composition and size of the population. At the same time, the destabilization of political processes has led to the frequent migration of ethnic groups from one place to another in the internal territory of the state. At this stage, various clans and tribes began to play an important role in state administration and political life.

This article reveals the role of these ethnic units in the state policy through their participation in political processes.

Шайбонийхон ўзбек давлатини барпо этиш учун ҳаракат қилган 1480 йилдан бошлаб 5 та қабилани сиёсий жиҳатдан илғор бўлганлигини ва ҳарбий ҳаракатларда олдинги сафларда турганлигини кўриш мумкин: булар дўрмон, арғун, найман, қўшчи ва уйғурлардир [1:106]. Абулхайрон қўшинида уйрат, можар ва қипчоқ уруғларидан кўнгиллилар ҳам бўлган [1:16]. Кейинчалик сиёсий жараёнлар фаол иштирок этувчи бундай қабилалар сони 14 тага етган. Туркиялик тадқиқотчи Абдулқодир Мажид Камолиддин Биноий маълумотига

асосланиб, Муҳаммад Шайбонийхонни қўллаб-қувватлаган 56 амир ва улар мансуб бўлган 16 та қабилани номларини санаб ўтган [2: 185].

Шайбонийлар ҳокимиятга келган кундан бошлаб алчин, арғун, хитой, қарлуқ, қипчоқ, қирғиз, қушчи, қўнғирот, найман, атойи, уйғурлар ва бошқалар улар билан сиёсий ҳаётда биргаликда ҳаракат қилиб 1599 йилгача муҳим давлат ишларида уларнинг ёнида турган.

Самарқандни узил-кесил қўлга олиш учун тайёрланган Шайбонийхон 1500 йилда шаҳарни жангсиз қўлга киритади [3: 34]. Бу пайтда Шайбонийхон ҳарбий жиҳатдан кўпроқ найманларга суянар эди. Шу сабабдан найманлардан бўлган 600 га яқин сара қўшинни ҳарбий саркарда Жонвафо билан бирга стратегик жиҳатдан муҳим бўлган шаҳар бошқарувига қолдиради [4: 39-52]. Муҳаммад Солиҳ уни “ўнг томон улуғларидан бўлган” дея таърифлайди [5: 36]. Муҳаммад Шайбонийхон ва Исмол Сафавий ўртасидаги жангда ҳам у муҳим ўрин тутади. бу ҳақда Муҳаммадёр ибн Араб Қатағон асарида “Муҳаммадхон Шайбоний қўшини қанотларини Жон Вафобий ва Қанбарбий билан мустаҳкамлади” [6: 100] деган маълумотни келтиради. 1510 йилдаги бу жангда Жонвафобий ҳам вафот этади. Кейинги сиёсий жараёнларда ҳам найманлар шаҳар бошқаруви ва унинг ҳимоясида фаол иштирок этади. Найман қабиласи, унинг учта аймоғи қўштамғали, увақтамғали ва садрлар кейинги асрлар давомида Самарқанд атрофида яшаб келганлар.

Бурхон султон томонидан 1554 йилда бир гуруҳ садоқатли амирлар шубҳа остига олиниб қатл қилишга ҳукум қилинади. Улар орасида амир Тамомибий найман ҳам бўлиб, у ўзининг халққа қилган хизматлари билан машҳур эди [6: 151].

Найманларнинг сиёсий фаолияти ҳақида кўпгина маълумотлар учрайди. Жумладан, улар XVI аср иккинчи ярмидан бошлаб шайбонийлар ўртасидаги тахт учун курашларда Кўчкинжихон оиласидан Жуванмард Али, Жонибек оиласидан Абдуллахон, Суюнчхўжа авлодидан Наврўз Аҳмадхоннинг ёнида турган. Найманлар бу уч шайбоний ҳукмдорлар даврида муҳим рол ўйнасалар ҳам, сиёсий жараёнларга муҳим таъсир кўрсата олмаган. Ҳофиз Таниш Бухорий Абдуллахон II нинг 1572 йилда Балхга қарши юриш қилиши сабабларидан бири сифатида найманларнинг бу ерда қийноққа солинганлигини ҳам келтириб ўтади [7: 197]. Абдуллахон амирлари орасида Назарбий найман бошчилигидаги гуруҳ Балх юриши пайтида Устод Руҳий йўлбошчилигидаги тўпчиларни қўриқлаб боришга маъсул бўлган.

Абдуллахон II Бухоро тахтини эгаллаган вақтида олий даргоҳда Бухоро қўшинини ушлаб турмаслик масаласи кун тартибига чиқиб, Хусрав султон бошчилигида Жон Алибий ибн Жўғултойбий найман ва Назарбий ибн Амин Боқи найманларни олиб Шаҳрисабзга олиб кетади. Девонлик ишларни ҳал қилишни ҳам айни шу шахслар қўлига топширади [6: 254]. Жон Алибийга нисбатан “давлат устун”и таърифининг берилганлиги ҳам унинг мавқеи юқори бўлганлигини

кўрсатади. Абдуллахон ҳокимиятни қўлга киритгандан кейин укаси Ибодуллоҳ султонни амир кабир Жон Алибий найман ва бошқа бир гуруҳ юқори лавозимли шахслар билан бирга отаси Искандархон олдига унинг туғилган ери ва асли қароргоҳи Карманага юборади. Манбаларда Искандар султонни олдига юборилган бошқа шахсларнинг исмлари кўрсатилмайди. Фақат найманлардан Жон Алибий давлат устуни сифатида қайд этилади [6: 261]. Найманларнинг давлат миқёсида нуфузини мана шу маълумот кўрсатиб беради. Абдуллахон Марвга юришга отланган вақтида Жон Алибий найман ва Назарбий найманлар Чоржўйда қўшиндан ажралиб чиқиб Марвдаги аҳволни билиш учун юборилади.

1550 йилларда Балх ҳокими бўлиб турган Пирмуҳаммадхон Абдулазизхоннинг вафоти билан таъзия билдириш учун Бухорога келган вақтида шаҳарни эгаллаш ҳаракатига тушади. Бу ишга бош бўлишни Абдували Порсога топширади ва унга ҳамроҳ қилиб Мирзо Алибий найманни юборади [6: 260].

Юқоридаги шахслардан ташқари бу пайтда Андхуд вилоятини бошқариб турган Шоҳмуҳаммаднинг оталиғи Жондавлат найман ҳам “ақли ўткир ва ҳашамат обрўси баланд” амир сифатида машҳур бўлган. Бу хислатлари туфайли у Андхудда бошқарув ишларини ўз қўлига олган ва Абдуллахон II бу шаҳарга ҳужум қилган вақтида Жондавлатбий қалъа ҳимоясига қаттиқ киришган [6: 283-284].

Абдуллахон II даврида Балх ҳокими бўлган Динмуҳаммадхон марказий ҳокимиятга қарши бир неча марта ҳаракат қилади. Шу пайтда унинг амирларидан бири бўлган Мирзо Алибий найман хонга ариза билан мурожаат қилади. Унда Динмуҳаммад даврида Балхда яшовчи юқори давлат лавозимида ишловчи бир нечта найманларнинг аҳволи баён қилинади: “Кимиёасар кўнглингизга ойдин ва аёнки, отодин-ото, бободин-бобо барча ака-ука ва қариндошлар ўзимизни бу сулола қўлига топшириб, фармон адо этиш камарини жон белимизга боғлаб келмоқда эдик. Душманларни йўқ қилиш, ҳужум ва зарбаларни дафъ этишда жон-дилимиз билан ёрдам бериб, ҳеч қандай кўмакни дариғ тутмаганмиз. Аммо, эндиликда, ҳеч бир сабабсиз ва далил-исботсиз Динмуҳаммад султон биз ака-укаларни талон-торож қилдирди. Устига-устак Балхдан ҳам ҳайдаб чиқарди. Бугун биз таланганлар Андхудга акамиз Жондавлат бий олдига келдик. Агар Сиз ҳазратлари бизга марҳамат кўрсатиб, хизматкорларингиз қаторидан жой бермоқчи бўлсангиз ва қулликка лойиқ деб билсангиз, у ҳолда бир “иноятнома” ёзиб бериб, бизни сарафроз қилинг” [6: 295]. Бу мактубдан кўриниб турибдики, найманлар узоқ йиллар давомида шайбонийларга садоқат билан хизмат қилишган. Ушбу мактубга жавобан Абдуллахон II “Ганжа Али шиғовулни Балхга элчилик расми билан жўнатди ва амирларнинг молини қайтариб бериш борасидаги гапларни етказиш вазифасини ҳам топширди. Жултойбий Андхуд вилоятига бориб, иноят бобидаги сўзларни бир-бир айтиб

бергач, Мирзо Алибий наймон ниҳоятда қувониб, шодлигидан дарҳол Андхуд вилоятини Жултойбийга топширди ва барча ака-укалари ҳамда бошқа қариндош-туққанлари билан бирга оёқ эмас, балки, бош бирлан юриб, олий даргоҳ сари юзланди" [6: 295-296].

Найманлардан яна бир юқори мавқега эга шахс Назарбий бўлган. Абдуллахон томонидан Балх ва Шибирғонга юришлар вақтида у Устод Руҳий бошчилигидаги кўп сонли тўпчилар билан бирга ҳаракат қилади. Хон томонидан бошқа амирларга ёрдам учун юборилади. Ҳарбий ҳаракатлар тугаб Балх эгаллангач, "аъло ҳазрат йиллар давомида ул юксак шаънли подшоҳлар фармони остида бўлиб келган Балх ҳукуматини улуғ нўён Назарбий наймонга бахшида" қилинганлигини Муҳаммадёр ибн Араб Қатағон алоҳида таъкидлаб ўтади [6: 301]. Балхнинг бошқа туман ва шаҳарлари эътиборли лашкарбошилар ва амирларга топширилади. Шу мисолнинг ўзи ҳам найманларнинг давлат бошқарувидаги ўрнини кўрсатади.

Абдуллахон Ҳисори Шодмонга юриш қилиб келаётган вақтида ваҳимага тушган вилоят ҳокими Ҳошим Султон Боқибий найманни итоат этиш учун олий даргоҳга юборади. Лекин, хон вилоят ҳокимининг итоатинги қабул қилмай Боқибий наймонни ёнига олиб у ерга бостириб киради.

Абдуллахоннинг Тошкент, Шоҳруҳияга қилган юришлари чоғида найманлардан Абдуҳалимбий, Абди Мирзо, Шеримбой, Қанбарбий, Аҳмадалибийларнинг қалъа мудофаасини ташкил қилиш ва ҳарбий ҳаракатларни олиб боришдаги иштирок этган. Бу шаҳарлар эгаллангач, мазкур найман амирлари Абдуллахон хизматига ўтишган.

Хонликдаги сиёсий жараёнларга энг катта таъсир ўтказган ҳамда юқори мавқега этник бирлик бу дўрмон уруғи ҳисобланади. Улар энг юқори мансаблардан ҳисобланган оталиқ, додхоҳ ва парвоначи лавозимларида фаолият кўрсатган. Жумладан, дўрмонлардан Бекмуҳаммад додхоҳ, Бекмуҳаммад бий, Муҳаммадёрлар парвоначи, Муҳаммад Раҳимбой Самарқанд ҳокими, Оллоёрбек девонбеги, Жонибекбий қўшин бошлиғи бўлишган[8: 124; 9: 44; 10:38, 101; 11: 201-202].

Шайбонийхон вафотидан кейин Бобур Мирзо ва Убайдуллахон ўртасидаги ҳал қилувчи жангда шайбонийлар томонидан Ўрисбий дўрмон қаҳрамонлик кўрсатади[6: 137]. Давлат ишларида фаол қатнашган, шариат томонидан таъқиқланган ишлардан Бурхон султонни тартибга чақирган Халқомонбий дўрмон давлатга хиёнатда шубҳа остига олинган 1554 йилда ўлдирилади[7: 151].

Абдуллахон II ҳукмронлиги даврида дўрмон амирлари "амири кабир" унвонига эга бўлиб, барча юришларда муҳим вазифаларни бажарган. Жумладан, Абдуллахон Марвга юриши олдидан Чоржўйда тўхтаган вақтида улуғ амирлардан Султон Ёрбий дўрмон, Турумбий дўрмонлар хондан аввал Марвга йўл олади. Булар орасида Ёрбий дўрмоннинг мавқе баланд эди. Бу сафарда бошқа этник бирликдан амирлар ҳам қатнашиб улар Абдуллахоннинг яқин кишилари бўлган.

Жон Алибий наймон, Назарбий наймон, Танишбий жалойир, Жон Келдибий уторчилар шулар жумласидандир. Лекин, булар орасида икки йирик уруғ вакиллари бўлган Султон Ёрбий дўрмон ва Назарбий найман ўртасида низо чиқиб, жамоа икки қисмга бўлиниб кетади [6: 265-266].

Хулоса қилиб айтганда, Шайбонийлар даврида алчин, арғун, баҳрин, юз, барқут, жалойир, қанғли, дўрмон, қарлуқ, кенагас, қиёт, қўнғирот, қўшчи, манғит, минг, найман, нўғуз, ойрат, усун, сарой, сулдуз сиёҳут, ширин, тама, танёруқ, тубай, ўтарчи, бўйрак, ябу, чимбой, уйғур этнослари қўшинни асосий таркибий қисми бўлган. Шайбонийхон барча эгалланган ҳудудларни ўзбек қабилаларининг нуфузли хонадонига мансуб қўмондонларга ва қариндошларига бўлиб беради. Ўзбек хонларидан Абулхайрихон даврида қушчи ва найманларнинг ҳокимиятда нуфузи баланд бўлган бўлса, Шайбонийлар даврида найман ва дўрмонлар сон жиҳатдан кўпайган ва сиёсий таъсири бўйича биринчи ўринга чиққан. Бухоро хонлигида ҳам ўзбек давлати хонлари анъана ва тартиблари ўрнатилгач, юқори давлат лавозимлари асосан атойи, найман, дўрмон ва қушчи этноси оқсоқоллари қўлида бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Б.А.Ахмедов. Государство кочевых узбеков. – Москва, 1965.
2. Abdulkadir Macit. Şeybânî hanliği (1500-1599). Doktora Tezi. İstanbul, 2015.
3. Довуди Д. Из истории Шайбанидов. – Душанбе, 2006.
4. Завоевание Хорасана Шейбани-ханом. Участие туркмен в борьбе узбеков и иранцев за Хорасан // Материалы по истории туркмен и Туркмении / Под ред. В. В. Струве и др. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1938.– Т. II. XVI-XIX вв. Иранские, бухарские и хивинские источники. – С. 39-52.
5. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. Тошкент, 1989.
6. Муҳаммадёр ибн Араб Қатағон. Мусаххир ал-билод. – Тошкент, 2009.
7. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. 2-китоб. – Тошкент, 2000.
8. Мухаммед Юсуф Мунши. Муким-ханская история. Пер. А.А. Семёнова. Ташкент, 1956
9. Мир Мухаммад Амин-и Бухари. Убайдулла-наме / Перевод А. А. Семенова.Ташкент, 1957.
10. Абдуррахман-и Тали. История Абулфейз-хана. Пер. А.А. Семёнова. Ташкент, 1959
11. Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-Мулк. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1997.

MUNDARIJA

So‘zboshi 3

MANBASHUNOSLIK, TIL VA ADABIYOT

J. Özlem Oktay Çerezci. WOMEN ACCORDING TO THE ART WORKS OF UZBEKISTAN GOKTURK PERIOD..... 5

Ismatova Nargiza Adxamovna. XIX ASR IKKINCHI YARMI – XX ASR BOSHLARI BUXORO AMIRLIGIDA VAQF SUBYEKTLARI HOLATI 12

Rahimov Komiljon Rahmatovich. XOJA ORIF REVGARIY VA UNING «ORIFNOMA» ASARI QO‘LYOZMA NUSXALARI HAQIDA 19

Usmonov Ibrohim Sobirovich. HAKIM TERMIZIYNING “AL-FURUQ” KITOBIDA QIYOS – FIQHIY DALILI BAYONI 32

To‘rayev Laziz Abdivali o‘g‘li. “RABI’ AL-ABROR” ASARINING TARKIBIY TUZILISHI VA UNING MANBALARI..... 38

Saishanhuli W. TRANSLATION AND STUDY OF THE LITERATURE OF ABAY IN CHINESE 50

Abdullaev Botirjon. ABU RAYHON BERUNIYNING “TAFHIM” ASARI NUSXALARINING TOSHKENT VA DUSHANBE FAKSIMIL NASHRLARI HAQIDA 63

Agzamova Muhabbatxon Mirtoxirovna. “AL-KOMIL FIT-TARIX” ASARINING MANBAVIY ASOSLARI 72

Axmatov Amonkeldi. BUXORO ADABIY MUHIITINI O‘RGANISh MANBALARI 76

Baqoyev Umidjon Shuhrat o‘g‘li. MUHAMMAD TOLIBNING “MATLAB UT-TOLIBIN” ASARI ASHTARXONIYLAR VA BOBURIYLAR SULOLASI DIPLOMATIK MUNOSABATLARINI O‘RGANISHDA MUHIM MANBA SIFATIDA 80

Burgutxonov Saidumarxon. IBN HAZM ANDALUSIYNING “AL-FISOL” ASARIDA ISLOMDAGI YO‘NALISH VA FIRQALARNING YORITILISHIDAGI O‘ZIGA XOSLIKLAR 84

Diniqulov Abror Gulboy o‘g‘li. SHART MAYLIDAGI ARAB MAQOLLARINI O‘ZBEK TILIGA TARJIMA QILISH USULLARI 89

Jumaniyazov Mansur Davlatbayevich. ZIYOVUDDIN MAKKIY XORAZMIYNING «KIFAYATU-N-NAHV FI ILMI-L-E’RĀB» ASARINING TARKIBI 93

Ismoilov Mas’udxon Maxdievich. XOJA MUHAMMAD PORSONING “TAHQIQOT” ASARIDA KALOM VA TASAVVUFNING NAZARIY MASALALARI UYG‘UNLIGI 108

Mirzayeva Maftuna Murodillo qizi. XVI-XVII ASRLARDAGI HUKM HUJJATLARINING STRUKTURAVIY JIHATLARI 114

Murodova Risolat Davron qizi. MUZEYLARDA AMALIY SAN’AT BUYUMLARINING KONSERVATSIYA VA RESTAVRATSIYA ASPEKTLARI 119

Nasirillayeva Nodirabegim Furqat qizi. BIBLIOGRAF OLIM ABDULLA NOSIROV VA UNING “BILKAT” ASARI HAQIDA 125
Oripov Davronbek. “O‘G‘UZNOMA“DAGI OYQOG‘ON OBRAZI VA UNING “KITABI DADAM QO‘RQUD”DAGI OBRAZLARGA TA’SIRI 129
Ravshanov Alijon. ZAMONAVIY MOLIYAVIY MASALALARGA BAG‘IShLANGAN FIQHIY ASARLAR TAHLILI 134
Samsakova Husniyaxon Xalxodjayeva. BOBOXONOVLAR SHAXSIY KUTUBXONASIDAGI QO‘LYOZMALARNING DASTLABKI TAHLILI 142
Sirojiddinova Maftuna Baxodirovna. ARABSHOHIYLAR SAROY DEVONIGA TEGISHLI QONUNChILIK AKTLARI (dastlabki tahlil natijalari) 147
Sulaymonova Hulkar Mo‘minjonovna. “AR-RASAIL” ASARINING GERMANIYA FONDLARIDA SAQLANAYATGAN QO‘LYOZMALARI XUSUSIDA 153
Umaraliyev Sherzodjon Abdulaxat o‘g‘li. SIROJUDDIN O‘SHIY “FATOVOI SIROJIYA” ASARIGA MUROJAAT ETGAN HANAFIY MAZHABI MANBALARI 159

TARIX VA TARIXSHUNOSLIK MASALALRI

Hulstine Matthew. CONVERGING NARRATIVES: THE SIGNIFICANCE OF ‘ALIMQUL’S FALL ..165
Azimov Xurshid. QADIMGI XITOY MANBALARIDA MARKAZIY OSIYO DAVLATLARINING JOYLASHUV “XARITASI” 171
Ahmedova Dilafruz. BUXORO AMIRLIGI DIPLOMATIK MUNOSABATLARINING “INSHO” MAJMUALARIDA YORITILISHI 175
Idiyev Akbar Avaz o‘g‘li. SHAYBONIYLAR DAVRI SIYOSIY JARAYONLARIDA ETNIK BIRLIKLARNING ARALASHUVIGA DOIR 180
Kamoliddinov Farrux Burxoniddin o‘g‘li. MARKAZIY OSIYO RESPUBLIKALARINI FORS KO‘RFAZI ARAB DAVLATLARI BILAN ALOQALARINING QAYTA BOSHLANISHI TARIXIGA NAZAR 185
Karimov Sherzod Shavkat o‘g‘li. TEMURIYLAR DAVLAT BOSHQARUVIDA XOJA MAJDUDDIN MUHAMMADNING TUTGAN O‘RNI 189
Karimova Miyassar Jamoldinovna. O‘RTA OSIYOLIK SAVDOGARLARNING SHARQ MAMLAKATLARI BILAN SAVDO ALOQALARI 196
Ostonov Jahongir Davlatovich. FRANSUZ SHARQSHUNOSI POL PELYONING ILMIY FAOLIYATIGA NAZAR 205
Pilipchuk Yaroslav Valentinovich. ГОСУДАРСТВЕННОСТЬ И ЭТНИЧНОСТЬ УСУНЕЙ 210
Tojiyev Doston Beknazar o‘g‘li. TURKIY DAVLATLAR TASHKILOTI DOIRASIDAGI HAMKORLIK: ILMIY-MADANIY HAMDA SIYOSIY SOHALAR MISOLIDA 216
Fayzullayev Farrux Eshqabulovich. UBAYDULLAXONNING MUHAMMAD SHAYBONIYXON YURISHLARIDA ISHTIROKI 223
Xayrullayeva Iroda Faxriddinovna. HIND XOTIN-QIZLAR TA’LIMI EVOLYUSIYASI (JAMMU VA KASHMIR MISOLIDA) 230

Xakimova Nigora. ZAMONAVIY TADQIQOTLARDA «MAHOSIN» ASARI O‘RGANILISHINING TAHLILI 237
Xusnutdinov Flipp Romanovich. МЕЖДУ ПОЭЗИЕЙ И ПОЛИТИКОЙ: ПОЧЕМУ ЛИДЕР ТУРКЕСТАНСКОЙ ДИАСПОРЫ В САУДОВСКОЙ АРАВИИ УПОДОБЛЯЛ СОВЕТСКОЕ ГОСУДАРСТВО СОВЕ? 242
Ermatova Mushtariy Abdulla qizi. QO‘QON XONLIGINI O‘RGANISHGA OID YANGICHA QARASH VA YONDASHUVLAR 248
Yakubov Qahramon Karimdjanovich. XIVA XONLIGI MADRASALARI TARIXINING ZAMONAVIY TARIXSHUNOSLIKDA YORITILISHI: YANGICHA YO‘NALISH VA YONDASHUVLAR 254
Qorayev Sherxon Po‘latxonovich. MANBALARDA BUXORO AMIRI ABDULAHADXON IJODI VA ADABIY KECHALARI TARIXI 262
G‘oyibnazarova Mahmuda O‘ktamjon qizi. “OYINA” JURNALIDA TURKISTONDAGI IQTISODIY MASALALARNING YORITILISHI 267
G‘ofurov Jasur Isaqovich. USTRUSHONA QISHLOQ MAKONLARINING ME’MORIY – QURILISH LOYIHASI VA USULLARI XUSUSIDA (V-VIII ASRLAR) 272
Abdupattaev Mo‘min Mirzo Murodjon o‘g‘li. MUHAMMAD IBN AHMAD XORAZMIYNING DINSHUNOSLIKKA OID QARASHLARI..... 278

«SHARQSHUNOSLIK SOHALARINI TADQIQ ETISHNING DOLZARB MASALALARI» MAVZUSIDA YOSH SHARQSHUNOSLARNING AKADEMIK UBAYDULLA KARIMOV NOMIDAGI XIX RESPUBLIKA ILMIY–AMALIY KONFERENSIYASI

TO‘PLAMI

Muharrir
Bunyod Pattayev

Badiiy muharrir
Murodillo Rahmonov

Musahhih
Jasur Qutbiddinov

Sahifalovchi
Doniyor Murodov

O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti Ilmiy kengashining 2024-yil 3-maydagi 5-sonli majlisi qarori asosida nashrga tavsiya etilgan.

Nashriyot litsenziyasi № 7538, 25.05.2022-y.
20.05.2023-yilda bosishga ruxsat etildi.
Qog‘oz bichimi 60x84 $^{1}/_{16}$. “Cambria” garniturasi.
Shartli bosma tabog‘i 20. Adadi: nusxa.
Buyurtma raqami №: 14-24.
O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi
“Fan” nashriyoti davlat korxonasida
nashrga tayyorlandi va chop etildi.
100047, Toshkent sh., Yahyo G‘ulomov ko‘chasi, 70-uy. Tel.:
+99899 7917555, +99871 2622154